

## МОВАРОУННАҲР ВА ХУРОСОН ТАЗКИРАЧИЛИК МАКТАБИ ШАКЛЛАНИШИ

Бобур Қурбонов

Самарқанд давлат чет тиллар институти  
Яқин шарқ тиллари кафедраси ўқитувчиси (Ўзбекистон)  
Тел: +998973970300

### АННОТАЦИЯ

*Мақолада тазкирачилик мактабининг вужудга келиши ва унинг ривожланиши хусусида фикр юритилади. Тазкира шаклидаги асарларнинг турлари ва талаблари ҳам ёритилади. Тазкирачилик мактабининг муҳим жиҳатлари, хусусан форсий ва туркий тазкираларнинг муштарак тарзда ривожланганлигига тегишили бўлган масалалар кенгроқ таҳлил қилинди. Мовароуннаҳр ва Хуросондаги адабий муҳитнинг бир пайтда ривожланганлиги ҳамда бу икки минтақадаги адабий ҳаётнинг бир-биридан фарқли бўлган жиҳатлари тадиқ этилди. XV-XVI асрлардан олдинги даврларда яратилган тазкиравий асарлар хусусида ҳам фикр юритилади.*

**Калим сўзлар:** Тазкира, туркий, форсий, анъана, таржима, Хуросон, Мовароуннаҳр, Ҳиндистон.

### АННОТАЦИЯ

*В данной статье рассматривается возникновение и развитие школы тазкира (антология). Также освещены виды и требования к произведениям в виде тазкира. Подробно проанализированы важные аспекты школы тазкиры, в частности вопросы, связанные с совместным развитием персидской и турецкой тазкиры. Изучено одновременное развитие литературной среды Мовароуннахра и Хорасана, а также разные стороны научной жизни этих двух регионов. Также рассмотрены произведения тазкира, созданные в период до XV-XVI веков.*

**Ключевые слова:** тазкира, тюркский, персидский, традиция, перевод, Хорасан, Мовароуннахр, Индия.

### ABSTRACT

*This article discusses the emergence and development of the tazkira school (anthology). The types and requirements for works in the form of tazkira are also highlighted. Important aspects of the tazkira school are analyzed in detail, in particular, issues related to the joint development of the Persian and Turkish tazkira. The simultaneous development of the literary environment of Movarounnahr and*

*Khorasan, as well as different aspects of the scientific life of these two regions, is studied. Also considered are the works of tazkira created in the period up to the XV-XVI centuries..*

**Keywords:** *tazkira, Turkic, Persian, tradition, translation, Khorasan, Movarounnahr, India.*

## **КИРИШ**

XV-XVI асрларда илм, адабиёт, санъат ва бошқа соҳаларда ҳар томонлама ривожланиш ва ўзгаришлар юзага кела бошлади. Бу асрларда адабий ҳаёт асосан Ҳирот, Самарқанд, Табриз ва Бухоро шаҳарларида ривожланди. Мазкур шаҳарларнинг ҳар бирида адабий марказларлар шаклланган ва бу марказлар бир-бирларига доим рақобат кўрсатиб келган. Булар орасида Ҳирот адабий маркази адабиёт соҳаси бўйича энг намунали эди. Ҳирот мактабининг асосчилари Мавлоно Абдураҳмон Жомий ва Мир Алишер Навоийлар форсий-тожик ва туркий-ўзбек адабиётининг ривожланишига катта ҳисса қўшганлар ва юзлаб шогирдларни тарбиялаб камолотга етказганлар. XV асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Ҳиротга турли шаҳарлар ва минтақалардан ёш ижодкорлар таҳсил олиш учун келардилар ва Жомий ҳамда Навоийдек буюк инсонларнинг хузурига ташриф буориш, улардан панд насиҳат олиш ва уларнинг имтиҳонларидан ўтишни ўзлари учун шараф деб билардилар. Улар бу ерда ўз истеъоддларини мукаммаллаштирадилар, буюк шоирлар шеърларига назиралар айтардилар ва адабий анжуманларда бир-бирларининг шеърларини муҳокама қиласидилар. Зайниддин Маҳмуд Восифий, Бадриддин Ҳилолий, Мавлоно Ҳотифий ва бошқалар шулар жумласидандирлар.

## **АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР**

Тазкирачилик мактабининг шаклланиши хусусида кўплаб илмий ишлар амалга оширилган. Хусусан форсий ва туркий тилларда ёзилган тазкираларни тадқиқотига оид илмий ишларда бу масалага кўпроқ эътибор қаратилган. Мазкур мақолада Алишер Навоий “Мажолис ун-нфоис” тазкираси ва унинг таржималари ҳамда Мовароуннахр ва Ҳурросон минтақаларида яшаб ижод қилган бошқа адиларнинг тазкираларига бағишлиланган илмий асарлардан фойдаланилди. Шунингдек, Навоийнинг мазкур тазкираси, унинг биринчи таржимаси саналмиш “Латойифнома” тазкираси ва бошқа машҳур тазкиралар ушбу ишимизнинг асосий манбалари хисобланади.

## **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Мовароуннаҳр ва Хурсондаги адабий муҳит бир пайтда ривожланган бўлса ҳам, бу икки миңтақадаги адабий ҳаёт бир-биридан доим фарқ қилиб турган. Кўплаб манбаларда таъкидланганидек, Хурсон адабий маркази Мовароуннаҳрга қараганда шеърият ва адабиёт соҳаси бўйича анча ривожланган бўлган. Ҳазрат Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” тазкираси ва Фахрий Ҳиравий ҳамда Ҳакимшоҳ Қазвиний таржималарида исмлари зикр қилинган олиму шоирларнинг катта қисми асосан хурсонлик эканликлари бундан далолат беради. “Мажолис ун-нафоис”дан жой олган 480 га яқин шоирларнинг фақатгина 75 нафари Мовароуннаҳрдан бўлиб, уларнинг аксарияти асосан шоирлик эмас, балки бошқа касб ва ҳунар билан шуғулланганлар. Фахрий Ҳиравий “Латойифнома”сида “Мажолис ун-нафоис”даги шоир ва адиблардан ташқари яна 200га яқин шоирлар ва шеъриятга моил бўлган бошқа маслак вакиллари исмлари келтирилган бўлиб, уларнинг ҳам асосий қисмини ҳиротликлар ташкил этадилар. Ҳиротда илм-фандан ва адабиётдан ташқари ҳунармандчилик ҳам ривожланган эди. Мазкур тазкирадаги шоирларнинг 61 нафари ҳунармандчиликнинг 29 тури билан шуғулланганлар.

Хурсонда ички урушлар ҳамда ташқи кучларнинг босқинчилик ҳаракатлари кучайганлиги натижасида инсонлар катта қийинчиликларга дуч келдилар, хусусан ҳунармандларнинг аҳволи кескин оғирлашиб қолди. Бу ҳолат жуда қўп тазкиралар ва таржимаи ҳолга бағишлиланган асарларда ўз аксини топган. Таъкидлаш жоизки, ушбу оғир вазиятда Мир Алишер Навоий оғир вазиятга тушиб қолган ҳунармандлар, шоирлар ва адибларга кўмаклашиб турган. Зайниддин Маҳмуд Восифий ўзининг “Бадое ул-вақое” асарида ўша даврнинг истеъдодли шоирларидан бири Мавлоно Ҳасаншоҳ ҳаётидан қўйидаги воқеани ёзган: “Бир йили Ҳиротда қиши жуда совук келди. Мавлоно Ҳасаншоҳнинг ҳеч нарсаси йўқ эди, аҳволи жуда оғир эди. Ҳаёт азобидан жуда қийин аҳволга тушиб қолган Мавлоно Ҳасаншоҳ ўғлини чақириб шундай деди: -Мотам тутганлар каби кўк кийимни кийиб, Мир Алишернинг уйига бор. Мир сени кўриб ҳол-аҳвол сўрашса, у кишига отам дорулфандан дорулбақога рехлат қилди, деб айтгин. Шундан кейин Мир сенга такфин ва тажхиз учун маблағ беради. Уни олиб бозорга бор ва рўзғор учун бозорлик қилиб кел. Мавлоно Ҳакимшоҳнинг ўғли отасининг топшириғини бажарди. Ҳазрат Навоий унинг отаси ўлганлиги туғрисидаги гапига ишониб, кўз ёш тўқдилар ва унга харажатлар учун маълум миқдорда пул бердилар. Бир кундан кейин Мавлоно

Ҳасаншоҳ Мир Алишернинг уйларига келдилар. Ҳазрати Мир у кишини кўриб, таажжуб билан айтдилар:

-Эй мулла, Сиз ўлган эдингизку?

Бунга жавобан Мавлоно шундай деди:

-Эй Мир, агар ўша Сиз берган инъом бўлмаганида ҳақиқатдан ҳам ўлган бўйлар эдим”.<sup>1</sup>

Бир томондан қулгули, бошқа томондан эса ниҳоятда қайгули бўлган ушбу воқеа қалам аҳлининг қанчалик мушкул аҳволга тушиб қолганликларидан далолат беради. Уларнинг яшаб ижод қилишлари учун Мавлоно Жомий ва Ҳазрат Навоий кўмаклашиб турганлар.

Ижтимоий вазият қанчалик оғир бўлганига қарамай, Мир Алишер Навоий яшаб ижод қилган замонда илм ва маърифат юксак даражада ривожланган. Айнан шу даврда дунё адабиётининг энг йирик намунаси саналмиш туркий халқлар адабиётига Ҳазрат Навоий томонидан асос солинди. Форс-тожик адабиёти намояндадарининг бу даврдан олдинги 500-600 йиллар давомидаги ижод маҳсули тўпланиб, мукаммаллаштирилди. Зуллисонайнлик анъанаси ривожланди. Тасаввуф илми тараққиётнинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Шулар билан бирга тазкирачилик мактаби шаклланди ва туркий ҳамда форсий тазкираларнинг энг сараси айнан ушбу даврда вужудга келди. Мовароуннахр ва Хуросон тазкирачилик мактабининг энг буюк намояндадари айнан шу даврда яшаб ижод қилдилар. Тазкирачиликнинг ривожланишига энг аввало Ҳирот адабий муҳити ўз ҳиссасини қўшган. Шу ерда тазкира жанри ва унинг турлари ҳамда шаккланиш тарихига оид тўхталиб ўтишни маъқул деб билдик. Тазкира сўзи лугатда “зикр қилиш”, “эслаш” маъносини ифода этади ва адабий-илмий атама сифатида шоирлар, олимлар ва дин уламолари таржимаи ҳолига бағишлиланган асар ҳисобланади. Тазкира адабиётшунослик ва тарих йўналишларида олиб бориладиган илмий тадқиқот ишлари учун асосий манбаларнинг бири сифатида хизмат қилади. Илгари таржимаи ҳолга бағишлиланган асарларга “табақот”, “ансоб”, “муъжам” ҳамда “ахбор” каби номлар ҳам берилган. Ҳозирги замонда “тазкира” деганда асосан шоир ва адибларнинг ҳаёт ва фаолиятига бағишлиланган асар тушунилади<sup>2</sup>. Farb адабиётида “антология” деб номланган адабий асар ҳам тазкиранинг бир тури ҳисобланади. Шоирларнинг ҳаёт ва фаолиятига бағишлиланган асарлар жуда кўп бўлиб, уларнинг аксарияти тазкира унвони билан машҳур бўлган. Албатта

<sup>1</sup>Айнӣ С. Восифӣ ва хулосаи «Бадоевъ-л-вакоевъ». Д., 1989. С 58.

دایره المعارف بزرگ اسلامی. زیرنظر کاظم موسوی. تهران، سازمان انتشارات وزارت فرهنگ و ارشاد اسلامی، چاپ اول. ۱۳۸۱<sup>2</sup>.

бундан мустасно бўлган баъзи бир асарлар ҳам мавжуд. Масалан, Алихон Мубталоййинг “Мунтахаб ул-ашъор” номли асари ва яна бир нечта шу каби асарларни тилга олишимиз мумкин.

Шоирлар таржимаиҳолига бағишланган энг биринчи ва мукаммал асар бу Муҳаммад Авфий Бухороийнинг “Лубоб ул-албоб”идир. Ушбу даврларда Муҳаммади Ровандийнинг «Тазкираи мусаввар»и (1172й), Камолуддини Хутанийнинг «Маноқиб-уш-шуаро»си, Низомий Арӯзий Самарқандийнинг «Чаҳор мақола»си (1177й), Диловарийниг «Китоб уш-шеър ваш-шуаро»си каби асарлар ҳам яратилган. Илмий манбаларда булар шоирлар ҳаёт ва фаолиятига бағишланган энг қадимий асарлар, деб қайд қилинган, аммо айнан “тазкира” деб аталган энг қадимий асар бу Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкират уш-шуаро” номли тазкирасидир.

Тазкиранавислик анъанасининг вужудга келиши ва ривожланишида араб адибларининг ҳам хизматлари катта. Тазкира ҳақида маълумот берганда Абу Мансур ас-Саолибийнинг хизматлари хусусида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу олим томонидан яратилган “Йатимат ад-даҳр фи маҳосин ал-аср” асари ҳам энг қадимги тазкиралар сирасидандир.<sup>3</sup>

Тазкирачилик тарихига назар соладиган бўлсак, бу турдаги асарларнинг яратилиши, айнан тазкира услубида ижод қилиш асосан Мовароуннаҳр ва Хурсонда вужудга келганлигига гувоҳ бўламиз. Тазкирачилик мактаби ҳам узоқ йиллар давомида ушбу минтақада шаклланган ва ундан кейин тазкирачилик санъати бошқа минтақаларга тарқалган. Тазкирачилик мактаби ривожланганидан кейин адиблар орасида ушбу жанрда ижод қилиш анъанага айланди ва тазкиравий асарнинг ўзи мавзу, мундарижа, бадиий тил ва услуг жиҳатидан шаклланди. Хусусан XV асрларга келиб тазкира жанри жуда ривожланди. Ушбу даврда Мир Алишер Навоий томонидан “Мажолис ун-нафоис” тазкираси таълиф этилганлиги, мазкур тазкиранинг таржималари ва бошқа мутафаккирлар томонидан яратилган тазкиралар XV асрда тазкирачилтк мактабининг юксак даражада ривожланганлигидан далолат беради.

Тазкиралар мазмун ва ғоя жиҳатидан бир нечта турга бўлинади.

1. Таркибий жиҳатдан мустақил ва ғайримустақил тазкиралар мавжудлиги маълум. Мустақил тазкиралар деганда фақатгина шоирларнинг қисқача таржимаиҳоли ва шеърлари хусусидаги маълумотларни ўз ичига оладиган тазкиралар тушунилади. Бу каби тазкираларга “Лубоб ул-албоб” мисол бўла олади. Ғайримустақил тазкиралар эса шоирларнинг таржимаиҳоли

<sup>3</sup>Абу Мансур ас-Саолибий. Йатимат ад-даҳр. – Тошкент: Ўзбекситон ССР «Фан» нашриёти, 1976.

ва асарларидан ташқари уларга тегишли бўлган бошқа маълумотларни ҳам ичига олади. Бу каби тазкираларда шоирларнинг таржимаиҳоли нисбатан муфассалроқ ёритилади.

2. Мавзу жиҳатидан беш турга бўлинади: а) Уламо тазкираси – маълум бир соҳа олимлари хусусидаги тазкиралар. Масалан Али ибн Исонинг “Тазкират ул-куҳҳолин” номли тазкираси кўз касалликларини даволовчи табибларга бағишланган бўлиб, ушбу турдаги тазкираларнинг намунаси ҳисобланади. б) Ҳунармандлар тазкираси – маълум бир минтақада яшаб фаолият кўрсатган ҳунар ахлига бағишланган тазкиралар бўлиб, бу каби тазкираларда ҳунармандчиликнинг аниқ бир тури билан шуғулланган ҳунармандлар хусусида маълумот берилади. Мирзо Санглоҳ номли адабнинг “Тазкират ул-хаттотин” асари бунга мисол бўла олади. Ушбу тазкирада хаттотлик касби билан шуғулланган ҳунармандлар зикр қилинганлар. в) Орифлар тазкираси – шайхлар ва бошқа дин вакиллари хусусидаги тазкирадир. Бунга “Тазкират ул-авлиё” мисол бўла олади. г) Шоҳлар тазкираси – шоҳлар, амирлар ва давлат арбобларига бағишланган тазкиралар. Бу каби тазкираларга мисол бўла оладиган тазкиралар қаторига “Тазкираи Шоҳ Тахмосби Сафавий” (Шоҳ Тахмосб Сафавий Тазкираси)-ни киритишими мумкин. д) Шоирлар тазкираси – бу тазкиранинг энг кўп учрайдиган турларидан бири бўлиб, шоирлар, адиблар ва бошқа касб эгаси бўла туриб шеъриятга қизиқкан ва шеърлар ижод қилган инсонларга бағишланган асар ҳисобланади. Мир Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-Нафоис” тазкираси ва унинг барча таржималари мавзу жиҳатидан айнан шу турдаги тазкиралар қаторига киради.

3. Тазкираларнинг яна бир жиҳати шундан иборатки, улар “умумий” тазкира ёки “хусусий” тазкира бўлишлари мумкин. “Умумий” тазкира деганда ўтмишда яшаб ижод қилган шоирлар ва уламолрадан тортиб то муаллифнинг замонасигача бўлган давр мобайнида яшаб ижод қилган шоиру адибларнинг таржимаиҳоли ва асарларини ўз ичига оладиган тазкиралар назарда тутилади. “Мажолис ун-нафоис” тазкирасини мажлис(боб)ларининг тақсимланишига эътибор қаратадиган бўлсақ, айнан ушбу хусусиятнинг гувоҳи бўламиз. “Хусусий” тазкиралар эса мавзу жиҳатиан чегараланган бўлади. Бу каби тазкиралар фақатгина туркий тилда ижод қилган шоирлар тазкиралари ёки фақатгина форс-тожик шеъриятига тегишли бўлган асарлар муаллифларига бағишланган тазкиралар бўлишлари мумкин.

Тазкиралар муқаддима, матн ёки тазкиранинг асосий қисми ва хотима қисмидан иборатdir. Тазкиранинг муқаддимаси Аллоҳ Таълоо зикри ва Пайғамбар(с) таъриф тавсифидан иборат. Бундан ташқари муқаддима қисмida саҳобалар ва подшоҳларнинг мадҳи ҳам келтирилади. Шунингдек тазкиранинг ёзилиш таърихи ҳамда тазкирани ёзилишидан кўзланган мақсад ҳам муқаддима қисмida баён этилади. Матн ёки тазкиранинг асосий қисми деганда шоирларнинг таржимаи ҳоли ва уларнинг ижодидан қисқача намуналар назарда тутилади. Хотима қисмida эса маълум бир сабаб билан тазкиранинг асосий қисмida исмлари келтирилмаган шоирлар хусусида маълумот берилади.

Тазкираларни таркибий қисми асосан қўйидаги тартиб асосида тузилади:

1. Алифбо тартиби. Бу турдаги тазкираларда шоирларнинг исмлари тахаллусларининг биринчи ҳарфига қараб бир хил кетмакетликда зикр қилинади. Али Кулихон Волай Догистонийнинг “Риёз аш-шуаро” деб номланган тазкираси бу каби тазкиралар қаторига киради.

2. Таърихий тартиб. Бу турдаги тазкираларда шоирлар исмларининг жойлашиш тартиби уларнинг яшаш замонлари ёки вафот этган йилларига караб тузилади. Шералихон Лудийнинг “Миръот ул-хаёл” номли тазкираси бунга мисол бўла олади.

3. Жўғрофий тартиб. Бу каби тазкираларда асосан шоирларнинг яшаш манзилларига эътибор берилади ва кетмакетлик тартиби ҳам уларнинг яшаб ижод қилган шаҳар ё мамлакатларига қараб амалга оширилади. Бу турдаги тазкираларга мисол бўла оладиган тазкиралардан бири Дороб Шерозийнинг “Латойиф ул-хаёл” тазкирасидир.

Баъзи бир манбаларга келтирилган маълумотларга кўра, милодий X-XI асрларгача тазкира шаклида ёзилган ёхуд маълум бир касб соҳаси намояндалари таржимаи ҳолига бағищланган ҳеч қандай асар мавжуд эмас. Жумладан, эронлик тадқиқотчи Козим Мусавий ўзининг тазкирачилик тарихига оид нашр этган мақоласида XI асргача тазкиравий асарларнинг шаклланмаганлигига ишора қилган.<sup>4</sup> Тазкиралар балки мавжуд бўлган, аммо бизнинг замонамизгача етиб келмаган. Низомий Арузий Самарқандийнинг “Чаҳормақола”сида Рӯдакий, Унсурий, Фаррухий, Муъиззий, Фирдавсий, Азракий, Рашидий ва Масъуд Саъд Салмон каби шоирларнинг таржимаи ҳоли баён қилинган. Бу асар тахминан милодий 1125-1126 йилларда ёзилган. “Чаҳормақола” шоирлар ҳаёт ва ижодиёти хусусида маълумот бера оладиган илк китоб ҳисобланса ҳам, уни биз том маънода тазкира деб айта олмаймиз. Бу

دایره المعارف بزرگ اسلامی. زیرنظر کاظم موسوی. تهران، سازمان انتشارات وزارت فرهنگ و ارشاد اسلامی، چاپ اول. ۱۳۸۱<sup>۴</sup>

асарнинг ҳар бир мақоласи (боби) маълум бир илм соҳасига бағишланган. Улар хаттотлиқ, шеър ва шоирлик, нужум ва тиб каби илмнинг энг муҳим тамоилларини ўз ичига олган. Шу билан бирга буюк олим ва шоирлар хусусида ҳам маълумот келтирилган.<sup>5</sup>

Муҳаммад Авфий Бухороийнинг “Лубоб ул-албоб”и хижрий қамарий 618 йилда, яъни милодий 1240 йилда Мултон шаҳрида ёзилган. Бир қатор тадқиқотчиларнинг ақидасига кўра, бу асар форс тилида ёзилган биринчи тазкирадир. Аммо таъкидлаб ўтганимиздек, бу асар шоирлар таржимаи ҳолига бағишланган бўлса ҳам, у тазкира деб номланмаган, шунингдек тазкира жанрининг талабларига қисман жавоб бера олмайди. Тазкирачилик санъатига асос солган адаб Давлатшоҳ Самарқандийдир. Унинг “Тазкират уш-шуаро” номли тазкираси энг аввалги ва мукаммал тазкира ҳисобланади.

Муҳаммад Авфий Бухороий замонидан бугунги кунларгача ёзилган тазкиравий асарларнинг барчаси “тавсифий”, яъни шоирлар ёки бошқа касб-хунар эгаларини таъриф-тавсиф этувчи асар сифатида танилган. Тазкиралар орасида Мир Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис”и ўзининг ҳар томонлама мукаммаллиги билан ажralиб турди. Бу тазкира форс-тоҷик ва туркий-ўзбек адабиётининг энг ривожланган пайтида яшаб ижод қилган шоир ва адилар таржимаи ҳолига бағишланган асадир. Мовароуннаҳр ва Хурсонда тазкирачилик мактаби ҳам ушбу даврга келиб мукаммал ривожланди. Мовароуннаҳр ва Хурсон тазкирачилик тарихини кўплаб тадқиқотчилар икки қисмга ажратиб ўрганганлар. Биринчи қисм бу тазкиравий асарларнинг вужудга келиши, яъни Муҳаммад Авфий замонидан бошлаб XVI-XVII асрларгача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврда тазкиранавислик санъати ниҳоятда ривожланиб борди ва тазкиравий асарларнинг энг муҳими ҳамда тарихий, бадиий ва поэтик жиҳатлардан мислсиз бўлган тазкиралар ижод қилинди. Авфийнинг “Лубоб ул-албоб”и, Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкират уш-шуаро”си, Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-Нафоис”и, Фахрий Ҳиравийнинг “Латойифнома”си, Мутрибий Самарқандийнинг “Тазкират уш-шуаро”си ва яна бир қатор тазкиралар мазкур давр мобайнида ёзилган. Бундан ташқари тазкирачилик тарихига ўз ҳиссасини қўшган буюк адилардан бири Абдураҳмон Жомийдир. Жомий қаламига мансуб бўлган жаҳоншумул асар “Бахористон”нинг еттинчи равзаси тазкира жанрида таълиф этилган<sup>6</sup>. Булардан ташқари бу даврда ижод қилинган яна бир қанча асарларга тазкира унвонини

<sup>5</sup>Собрание редкостей или Четыре беседы, М., 1969; Х. Шарифов.

<sup>6</sup>Абдураҳмони Ҷомӣ, Бахористон, Душанбе, Адаб. 1987 (Таҳияи Аълоҳон Афсаҳзод)

беришимиз мумкин. Жумладан “Тухфат ус-сурур” асари. Бу асар Ҳофиз Җарвиш Али Чангий қаламига мансуб бўлиб, асосан мусиқа илмига бағишлиланган бир нечта рисоладан ташкил топган. Аммо мазкур мусиқий рисолалардан ташқари 96 нафар шоир ва мусиқа аҳли таржимаи ҳоли ҳақида ҳам маълумот келтирилганлиги сабабли бу асарни ҳам тазкиравий асарлар қаторига киритишимиз мумкин. “Музаккир ул-асҳоб” тазкираси ҳам ушбу даврда ижод қилингандай асар бўлиб, Мовароуннаҳрда тазкиранавислик мактабини ривожланишига муҳим ўрин тутган.<sup>7</sup>

Мовароуннаҳр тазкирачилиги тарихининг иккинчи қисми милодий XVIII асрдан кейинги даврни ташкил этади. Бу даврда тазкирачилик анъанаси қисман давом эттирилди ва унинг ўзига хос жиҳатлари риволжанди, аммо тазкирачилик санъатининг ривожланиш даражаси сезиларли даражада пасайди. XVIII асрда ёзилган тазкиравий асар сифатида биргина Муҳаммад бин Нур бин Насафийнинг “Мазҳар ул-мусаннафин” деб номланган асарини тилга олишимиз мумкин. Бу асар тахминан милодий 1758 йилда ёзилган. Бу тарихий асар ҳисобланади ва тазкиравий асарларга ҳам ўхшашлик жиҳатлари кўп. Шуларни инобатга олиб, бу асарни XVIII асрдаги ягона тазкиравий асар деб баҳолашимиз мумкин.<sup>8</sup> Бошқа ҳеч қандай тазкира бу асрда ёзилмаган, ёзилган бўлса ҳам мукаммал тазкира сифатида танилмаган ва бугунги кунларгача етиб келмаган. XIX асрнинг бошида, яъни 1822 йилда яна бир тазкиравий асар яратилди. Бу асар “Мажмуаи шоирон” (баъзи манбаларда Мажмуат уш-шуаро”) деб номланган бўлиб, Кўқон хони Амир Умархон саройида машҳур бўлган Фазлий Наманганий томонидан яратилган.<sup>9</sup>

Таъкидлаш жоизки, тазкирачилик мактаби Мовароуннаҳр ва Хурсондан ташқари бошқа минтақаларда ҳам шаклланган эди. Жумладан Ҳинд субконтиненти, яъни ҳозирги Ҳиндистан, Покистон ва Бангладеш ҳудудларида ҳам тазкирачилик анъанаси кенг тарқалган. Ғазнавийлар салтанатининг бу минтақага кириб боргани ва ҳукмронлик қилишни бошлаганидан кейин адабиёт ва маданият ривожлана бошлади. Бу даврда Масъуд Саъд Салмон, Абулфараж Руний, Саноий Ғазнавий, Насруллоҳ бин Абдулҳамид, Амир Хусрав Дехлавий, Ҳожа Ҳасан, Урфий, Соиб, Калим, Толиб Омулий, Бедил ва бошқа адиллар Ҳиндистан субконтинентига қўчиб бориб, илмий ва адабий фаолият билан шуғулландилир. Исмлари зикр қилингандай бу шоир ва адилларнинг айнан шу

<sup>7</sup> Рахматуллаев Н.Н. Малиҳо Самарқандийнинг “Музаккир Ул-Асҳоб” Тазкирасида Бухоро адабий муҳити хусусида // Интернаука: электрон. научн. журн. 2020. № 24(153)

<sup>8</sup> دایرہ المعارف بزرگ اسلامی. زیر نظر کاظم موسوی. تهران، سازمان انتشارات وزارت فرهنگ و ارشاد اسلامی، چاپ اول. ۱۳۸۱

<sup>9</sup> Наманганий, Фазлий. Мажмуат-уш-шуаро.- Тошканд, 1900.- 502с.

минтақага күчіб келишларига албатта турли ижтимоий ва сиёсий вазиятлар сабаб бўлган. Ўша даврларда Ҳиндистонда ҳукмронлик қилган шоҳлар илм аҳлига нисбатан катта муруваттаги кўрсатган. Шу боис адабиёт, илм ва маданият бу минтақада ривожланди. Натижада тазкирачилик мактаби тарихида янги саҳифа очилди.

Бу минтақада тазкирачилик ва бошқа адабий жанрлар юксалди. Ҳиндистон субконтиентидаги тазкирачилик мактабини шубҳасиз Мовароуннахр ва Хурросон тазкирачилик мактабининг давоми, деб айтишимиз мумкин. Чунки бу минтақа жўғрофий нуқтаи назардан Мовароуннахр ва Хурросон ҳудудига кирмаса-да, илм, фан, адабиёт, санъат ва бошқа соҳалардаги ривожланишга асосан Мовароуннахр ва Хурросонда туғилиб ўсган ёки аждодлари аслан хурросонлик ё мовароуннахрлик бўлган алломалар ўз ҳиссаларини қўшганлар. Ундан ташқари Ҳиндистонда илм ва фан ривожи учун ўз ҳиссаларини қўшган давлат арбоблари асосан Темурийлар салтанатининг давомчилари бўлганлар. Профессор Ҳамидулла Болтабоев 2013 йил “Жаҳон адабиёти” журналида чоп этган мақоласида шундай ёзган: “Ҳазрат Алишер Навоий томонидан яратилган туркий тазкирачилик мактаби XX аср бошларига қадар нафақат Туркистон ёки Марказий Осиёда, балки Эрон, Ҳиндистон, Афғонистон, Озарбайжон ҳамда Туркияда муваффақият билан давом этган. Ўтган 500 йилдан ортиқроқ вақт давомида яратилган тазкираларда “Мажолис ун-нафоис”нинг изларини илғаш қийин эмас. Биргина Онадўлида туркий тилда 36 тазкира яратилган бўлиб, булар, асосан, “Шоир тазкиралари” (яъни валийлар ва дабирлар тазкиралари бу ҳисобдан ташқари)дир. Шундан 12 тазкирада Ҳазрат Навоий шахси тилга олинган, унинг ижодига муносабат билдирилган. Мазкур тазкиралардаги маълумотларга кўра, Усмонли шоирларидан 70 дан ортиғи Навоийнинг шеърий асарларига назиралар ёзганлар, улардан 30 дан ортиғи ҳам бу анъанани изчил давом эттирган. Айни мана шу ижодий ворисликни хамсанавислик доирасида, улуғ адиб насрий ва тасаввуфий асарларидан таъсирланиш жараёнида ҳам кузатиш мумкин”<sup>10</sup>.

Ҳиндистонда тазкирачилик анъанаси узоқ муддат давом эттирилди ва ўзгача тарзда ривожланди. Ҳиндистон субконтиента ижод қилинган тазкиралар ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларни қўйидагича таърифлашимиз мумкин:

<sup>10</sup>Ҳамидулла Болтабоев. Туркий тазкираларда Алишер Навоий сиймоси // “Жаҳон адабиёти”, 2013 йил, 2-сон.

- 1) тазкиралар содда равон тилда ёзилган бўлиб, бошқа минтақаларда ёзилган тазкиралардан тил ва услугуб жиҳатидан фарқ қиласди;
- 2) бу даврда ёзилган тазкираларнинг деярли барчаси маълум бир Ҳинд амалдорининг номига аталган;
- 3) тазкиралар муаллиф замонида яшаб ижод қилган шоирлар ва олимлардан ташқари ундан анча муқаддам яшаб ўтган шоирлар таржимаи ҳолини ҳам ўз ичиға олган.

Ҳиндистонда яшаб ижод қилган қўплаб тазкиранавис адилар Ҳазрат Навоийнинг асарларидан илҳомланиб, ўз тазкираларини ва бошқа асарларини ижод қилганлар. Фахрий Ҳиравий шулар жумласидандир. Асли ҳиротлик бўлган Ҳиравий замон нотинчликлари сабаб юқорида айтилган қўплаб олиму шоирлар сингари Ҳиндистонга сафар қилишга мажбур бўлди. Ҳирот тазкирачилик мактабини Ҳиндистонда давом эттирилганлигининг ёрқин мисоли Фахрий Ҳиравийнинг бу ўлкада яшаб илмий ва адабий фолият кўрсатганидир. “Мажолис ун-нафоис” тазкирасининг ilk таржимаси саналмиш “Латойифнома” тазкираси муаллифнинг Мовароуннахр ва Хурросон, хусусан Ҳирот адабий муҳитига бўлган ҳурмат ва эътиборини яққол намоён этади. Алалхусус, тазкирага илова қилинган тўққизинчи боб ва Ҳазрат Навоийнинг ушбу бобда зикр қилинганлиги Ҳирот адабий маркази нуфузи ва Ҳазрат Навоийнинг шуҳрати кенг тарқалганлигидан далолат беради. Мазкур даврда Ҳирот адабий мактабининг ривож-равнақи ва ушбу мактабнинг нафақат Ҳирот, балки бутун Мовароуннахр, Хурросон, Ҳиндистон, Туркия, Эрон ва бошқа минтақаларда машҳур эканлиги бир қанча тадқиқотчилар томонидан эътироф этилган.

## **ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР**

XV- XVI асрларда Самарқанд, Бухоро ва Табриз адабий ҳавзалари бир-бирлари билан яқин муносабатда бўлган, аммо бу адабий ҳавзалар Ҳирот адабий ҳавzasига нисбаттан заифроқ эди. Ҳиротдаги адабий муҳит ҳаттоқи Ироқ адабий муҳити намояндалари томонидан ҳам таъриф ва тавсиф этилган. Албатта Ҳирот мактабининг бу даражада юксалишига буюк устозлар Мавлоно Жомий ва Ҳазрат Навоийнинг хизматлари катта бўлган. Бироқ Хурросон Шайбонийлар томонидан ишғол этилганлигидан кейин Ҳирот адабий маркази катта қийинчиликка дуч келди. Буюк адилар ва шоирлар ўз шаҳарларини тарқ этиб, Ҳиндистон, Самарқанду Бухоро, Тошкент, Табриз каби шаҳараларга кўчиб боришга мажбур бўлдилар. Натижада Бухоро ва Тошкент адабий

марказлари ривожлана бошлади. Ҳар қандай мамлакатнинг адабий ривожланиши биринчи навбатда истеъодли инсонларга боғлиқ. Ҳиротдан илм аҳлининг бошқа минтақаларга кўчиб борганлари бир томондан Ҳирот адабий мухитига салбий таъсир етказган бўлса, иккинчи томондан бошқа шаҳарлар адабий мухитининг ривожланишига сабаб бўлган. Ушбу давр адабий мухити хусусида дақиқ ва мукаммал маълумот бера оладиган асосий манба бу “Мажолис ун-нафоис” ва унинг таржималаридир. “Мажолис”нинг таржималари ҳанузгача мукаммал тадқиқ этилмаганлиги боис уларни ўрганиб аслият билан қиёсий таҳлил қилиш ва замон талаботига мувофиқ лотин ва кирилл алифбосига табдил қилиш ҳамда ўзбек тилига таржима қилиш зарурдир.

## REFERENCES

1. لطایف نامه. محمد عقباں مجددی. نشریات دانشگاه پنجاب. پاکستان. ۱۹۳۱ میلادی.
2. دایرہ المعارف بزرگ اسلامی. زیر نظر کاظم موسوی. تهران، سازمان انتشارات وزارت فرهنگ و ارشاد اسلامی، چاپ اول. ۱۳۸۱
3. Айнӣ С. Восифӣ ва хulosai «Бадоевъ-л-вақоевъ». Д., 1989
4. Ҳамидулла Болтабоев. Туркий тазкираларда Алишер Навоий сиймоси // “Жаҳон адабиёти”, 2013 йил, 2-сон.
5. Намангонӣ, Фазлӣ. Маҷмӯат-уш-шуаро.- Тошканд, 1900.- 502с
6. Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993
7. Бертельс. Е.Э. Наваи и Джами. – Москва: Наука, 1965
8. Ганиева С. “Мажолис ун-нафоис”нинг форсий таржималари” //Алишер Навоий ва форс-тожик адабиёти конференцияси материаллари. 2002, 30-январь.
9. Воҳидов. Р. “Мажолис ун-нафос”нинг таржималари/ масъул муҳаррир: Б. Валихўжаев. – Т.: Фан, 1984.